

# Қуръони Карим дарслари (138-дарс) Ат-Таҳрир ват-Танвир



**Қуръони Карим**  
ДАРСЛАРИ **138-дарс**

Қуръони Карим дарслари Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг «Қуръон илмлари» китоби асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.

17:00 / 25.05.2021 3622

«Ат-Таҳрир ват-Танвир» – Тоҳир ибн Ошур.

Туниснинг кўзга кўринган олимларидан бири бўлмиш шайх Тоҳир ибн Ошур раҳматуллоҳи алайҳи «Ат-Таҳрир ват-Танвир» номли катта ва мукаммал тафсир ёзган. Шайх Тоҳир ибн Ошурнинг шогирдлари ва мутахассисларнинг таъкидлашларича, у киши ўз тафсирини йигирма йилда ёзиб битирган. Бу тафсирнинг эгаси ҳар бир нарсани эринмай, мукаммал баён қилган. Айниқса, у кишининг луғат бўйича олиб борган тадқиқотлари, шунингдек, илмий тадқиқотлари ҳам таҳсинга сазовор. Шайх Тоҳир ибн Ошур фикҳий масалаларни ҳам батафсил ёритган. Янги пайдо бўлган ҳаётий муаммолар ва маданий қарашларни ҳам ўз жойида ҳал қилган.

Шайх Муҳаммад Тоҳир ибн Ошур раҳматуллоҳи алайҳининг ўзи муқаддимасида таъкидлашича, қуйидаги тафсирлар муҳим ҳисобланади:

«Ал-Кашшаф» – Замахшарий.

«Ал-Муҳаррар ал-Важийз» – Ибн Атийя.

«Мафатийҳул-ғойб» – Фаҳриддин Розий.

«Анварут-танзил ва асрорут-таъвил» имом Байзовий.

«Руҳул-маъаний» – имом Олусий.

Абу Саъуд тафсири.

Қуртубий тафсири.

Табарий тафсири.

Тийбий, Қазвийний, Қутб ва Тафтазоний тарафидан «Кашшоф»га ёзилган хошиялар.

Хафочининг Байзовий тафсирига ёзган хошияси.

Албатта, шайх Тоҳир ибн Ошур раҳматуллоҳи алайҳи ўзининг тафсирида мазкур тафсирлардан фойдаланган. Аммо ўзининг айтишича, чўзилиб кетмаслиги учун қаердан олганини айтмаган.

Шайх Тоҳир ибн Ошур раҳматуллоҳи алайҳи Қуръони Карим эъжози турларига, балоғат нуқталарига, бадий услубларга катта эътибор берган. Шунингдек, оятларнинг бир-бирига боғланиш муносабатларини ҳам баён қилган. Ҳар бир суранинг мақсадларини ҳам батафсил айтиб ўтган. Ҳар бир сўзнинг араб тилидаги маъноларини чуқур тушунтирган.

Шайх Тоҳир ибн Ошур раҳматуллоҳи алайҳининг айтишича, китобнинг тўлиқ номи «Таҳриру маънас-садид ва танвиру ақлил-жадид мин тафсири китабил-мажид»дир.

Муаллиф ўз тафсирининг аввалида Қуръони Карим ва унинг тафсирига оид ўнта муқаддима ёзган, сўнгра Фотиҳа сурасини тафсир қилишни бошлаган.

Ҳар бир суранинг исми, унинг нозил бўлиш вақти ва шароити ҳамда унга боғлиқ бошқа маълумотларни батафсил келтирган. Маълумотларнинг хулосасини айтган.

Бақара сурасининг тафсири аввалида «Алиф лаам мим» ҳарфларини келтириб, шу ва шунга ўхшаш ҳижо ҳарфлари ҳақидаги кўплаб маълумотларни тақдим қилган. Шу тариқа китоб катта маълумотлар тўпламига айланган.

Мен турли сабабларга кўра, шайх Тоҳир ибн Ошур раҳматуллоҳи алайҳининг баъзи шогирдлари билан суҳбатларда бўлдим. Уларнинг айтишларича, устозлари жуда ҳам талабчан киши экан. Тафсирни ёзгандан кейин ҳам ҳар варақнинг қўлёзмасини қайта-қайта кўрар, таҳрир қилар ва

тузатишлар киритар экан.

Мен бу тафсир билан чет элда ўқиб юрган кезларимда танишган эдим. Кейинроқ, айниқса Қуръони Карим маъноларини ва «Тафсири Ҳилол»ни рус тилига ўгириш жараёнида уни асосий манбалардан қилиб олдим. Шу тариқа ушбу китоб билан жуда яқиндан танишдим ва унинг ҳақиқатда ҳам мақтовга сазовор илмий иш эканига тўла ишонч ҳосил қилдим.

Аллоҳ бу тафсирнинг муаллифи Шайх Тоҳир ибн Ошурни Ўз раҳматига олган бўлсин.

***«Қуръон илмлари» китоби асосида тайёрланди***